

Ishonch

2019 йил 7 май • сешанба • № 58 (4187)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЯНГИ ТАШАББУС ВА КЕНГ ИМКОНияТЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ – БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЁТ ВА ЮҚОРИ ДАРОМАД МАНБАИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, амалга ошириладиган бунёдкорлик ишлари ва аввал берилган топшириқлар ижроси билан танишиш мақсадида 6 май куни Фарғона вилоятига келди.

Давлатимиз раҳбарининг ўтган йили 12-13 июнь кунлари вилоятга ташрифи чоғида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган эди. Шу давр мобайнида мазкур масалалар ижросига алоҳида эътибор қаратилди.

2018 йилда вилоятга 152,7 миллион АҚШ доллари миқдоридаги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилди. Натижада қўшма корхоналар сони 80 тага кўпайиб, 283 тага етди. Жорий йил январь-март ойларида 66 миллион долларлик хорижий инвестициялар ўзлаштирилиб, «Winchemical», «Listem-Fergana» каби қўшма корхоналар ишга туширилди.

Президентимиз дастлаб Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида ташриф буюрди.

Мазкур корхона ўз вақтида Фарғона водийсидаги нефть конларини ўзлаштириш ва минтақа давлатларида нефть маҳсулотларини етказиб бериш мақсадида бунёд этилган. У ҳозирги кунда ҳам углеводород хомашёсини қайта ишлаш бўйича мамлакатимиздаги йирик мажмуалардан биридир. 475 гектар ер майдони, 52 та технологик объект унинг улкан салоҳиятидан далолат беради.

Лекин техника ва технологиялар

эскиргани, ишлаб чиқариш асосан импортта боғлиқ бўлгани сабабли корхона кейинги ўн йилда ўзини оқламаётган эди. Йиллик лойиҳа қуввати 6 миллион 450 минг тонна бўлгани ҳолда, ишлаб чиқариш бор-йўғи 30 фоизга тушиб қолганди.

Давлатимиз раҳбари жорий йил 21 февраль куни нефть-газ ва кимё саноатини ривожлантириш масалалари бўйича ўтказилган йиғилишда Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини инвесторларнинг ишончли бошқарувиغا бериш вазифасини қўйган эди. Шунга мувофиқ, 10 апрелда «Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

Модернизация жараёни Индонезиянинг «PT Trans Asia Resources» компанияси билан ҳамкорликда уч босқичда амалга оширилади. Соҳада катта тажрибага эга жаҳон бозорида ушбу компаниянинг ўз ўрни бор. Бу заводни хомашё билан барқарор таъминлаш, уни жаҳон стандартлари асосида қайта ишлаб, ички ва ташқи бозорга етказиб беришга хизмат қилади. Келгусида етакчи халқаро компаниялардан иборат бўлган консорциум ташкил этиш режалаштирилган.

Заводга жорий йилнинг ўзида камида 300 миллион доллар тўғридан-тўғри инвестиция жалб этилади. Бу маблағ эвазига икки ой давомида ҳозирда ишламай турган 11 қурилманинг 7 тасидан фойдаланиш тикланади. Бунинг натижасида 7 минг 100 та иш ўрни сақлаб қолинади. Шунингдек, завод икки баробар кўпроқ хомашё билан таъминланади. 2020 йилдан бошлаб «Евро-4», «Евро-5» каби юқори сифатли дизель ёқилғиси ишлаб чиқаришга эришилади. Маҳсулотлар таннархи тушиб, сифати оширилиши натижасида вилоятнинг экспорт салоҳияти янада юксалади.

Умуман, лойиҳа доирасида 2022 йилгача камида 875 миллион доллар тўғридан-тўғри инвестициялар жалб этилади. Бу 60 йилдан буюн ишлаб келадиган Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи ва 110 йиллик тарихга эга Олтиариқ нефтни қайта ишлаш корхонасини замонавий мажмуаларга айлантириш, уларда экспорт боп маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради.

Энг муҳими, яна кўплаб одамлар, айниқса, ёшлар иш билан таъминланади. Солиқ тушуми ойига қўшимча 100 миллиард сўмга ошади.

Шавкат Мирзиёев завод ишчилари ва инвесторлар билан суҳбатлашди.

Асосий мақсад корхонани тўлиқ қув-

ват билан ишлатиш, одамларни иш билан таъминлаш. Бу Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг янги даври бўлади, деди давлатимиз раҳбари.

Заводга хомашё олиб келиш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича қўшимча топшириқлар берилди.

Президентимиз Қўштепа туманидаги «Ипак гиламлар» корхонасида бўлиб, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган ишлар билан танишди.

Давлатимиз раҳбари илгари сурган бешта муҳим ташаббусдан сўнггиси аёлларнинг бандлигини таъминлаш орқали уларга тўлақонли турмуш шароити яратишга қаратилган. Ушбу ташаббусни амалга ошириш учун ҳар бир туманда енгил конструкцияли тикув-трикотаж корхоналари ташкил этиш кўзда тутилган. Ушбу корхоналарга биринчи навбатда боқувчисини йўқотган, турмуши оғир хотин-қизлар, шунингдек, кўп болали аёллар ишга жалб қилинмоқда.

Ўтган даврда тикув-трикотаж корхоналарига ишга жалб қилинган аёллар қисқа муддатли ўқув курсларида ўқитилди. Уларга ўқиш давомида стипендия берилди, ўқитувчилар ойлик маош билан таъминланди.

2



«Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

uza.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Москва шаҳрининг «Шереметьево» аэропортида самолётнинг фавқулодда қўниши оқибатида инсонлар ҳалок бўлгани муносабати билан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путинга ҳамдардлик мактуби йўллади.

president.uz

29 апрель – 5 май кунлари Урганч шаҳрида Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги Давлат чегарасини делимитация ва демаркация масалалари бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссияси ишчи гуруҳларининг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди.

mfa.uz

Бош прокуратура тузилмасида Айдар-Арна-сай қўллар тизимини ривожлантириш соҳасида қонунчилик устидан назорат бошқармаси ва Бош прокуратура ҳузуридаги Департаментда «Айдар-Арнасай қўллар тизими ресурсларидан фойдаланиш соҳасида иқтисодий ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш бўлими» ташкил этилди.

prokuratura.uz

Чирчиқ олий танқ қўмондонлик-муҳандислик билим юртида Мудофаа вазирлиги миқёсида биринчи марта «Кўргазмали қўл жанги намойиши» йўналиши бўйича мусобақа ўтказилди.

Мудофаа вазирлиги матбуот хизмати

«JV MAN Auto-Uzbekistan» компанияси Афғонистонга биринчи экспортни амалга оширди.

uzavtosanoat.uz

Грециянинг «Orange2Fly» ва Туркиянинг «Pegasus Airlines» лоукостери Ўзбекистон бозорига кириш бўйича музокара олиб бормоқда.

kun.uz

Тошкентдаги «Hyatt Regency» меҳмонхонасида олий таълим муассасаларининг битирувчи талабалари учун Туркиянинг етакчи ташкилотларидаги бўш иш ўринлари билан танишиш имкониятини берувчи «TALENT for BIZ» меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди.

kun.uz

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти йўловчиларга қўлайлик яратиш мақсадида 2019 йил май ойида қўшимча йўловчи поездлари ҳаракатини жорий этмоқда.

railway.uz

Хотира ва қадрлаш кунида Самарқанд шаҳридаги «Шарқ юлдузи» кинотеатрида бир қатор фильмлар аҳоли учун bepul намойиш этилади.

uza.uz

ishonch.uz:

«Матбуот бонг уради!»



Эркин ВОХИДОВ
Ўзбекистон Қаҳрамони

ЎЗБЕГИМ Қасида

Тарихингиз минг асрлар
Ичра пинҳон, ўзбегим,
Сенга тендеш Помир-у
Оқсоч Тиёнион, ўзбегим.

Сўйласин Афросиёб-у
Сўйласин Урхун хати,
Кўхна тарих шодасида
Битта маржон, ўзбегим.

Ал Беруний, Ал Хоразмий,
Ал Фароб авлодидан,
Асли насли балки ўзлуқ,
Балки Тархон, ўзбегим.

4

Макулатурага айланаётган жавоҳирлар

ёхуд ноёб асарларни чиқитга чиқишдан қандай асраб қолиш мумкин?

Таҳририятга бир йигит эшик қоқиб кириб келди. Исталари, зиёлинома бу йигитни қийнаётган нимадир борлиги юз-кўзида балқиб турарди... Танишдик. Хайрулла Асатов. Олмазор туманида яшайди. Китоб савдоси билан шуғулланади.



Мулоҳаза

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида

2019 йил 3-4 май кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисининг иккинчи кунинда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг прокуратура органларининг 2018 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи эшитилди.

Сўнгра парламентнинг юқори палатаси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2018 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи, Тошкент вилояти ҳокимининг ҳудудларни ривожлантириш ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти ҳақидаги ҳисоботи билан танишди.

Сенаторлар мажлис давомида 2019 йилда кўп тармоқли фермер хўжаликлари ташкил этиш ва ривожлантириш дастурига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, сув объектларида оқинди сувларни оқизиш билан боғлиқ муаммолар

юзасидан Бош вазирнинг биринчи ўринбосари – транспорт вазирига парламент сўрови юбориш, Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирга парламент сўрови юбориш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқди.

Бундан ташқари, сенаторлар контракт бўйича ҳарбий хизматга кириш ва уни ўташга оид қонун ҳужжатлари ижроси ҳолати ва бу соҳадаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти юзасидан Бош вазирга юборилган парламент сўрови натижаларини муҳокама этишди.

Ялпи мажлис давомида Ўзбекистон Республикасининг Польша Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчи-

сини тайинлаш ва Олий Мажлис Сенати Кенгаши қарорларини тасдиқлаш тўғрисидаги бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарор қабул қилинди. Унга мувофиқ, Абдулло Аллаев, Кароматжон Давлетов, Алишер Жалилов, Гулнора Парпиева, Шуҳрат Ражабов, Сарварбек Раҳмонов, Камолитдин Толлибаев, Эркин Эргашев, Маҳмуд Эшимбетов, Хуришд Эшмуратов ўн йил, Анвар Шуқруллаев ҳамда Ҳасан Эгамбердиевлар мuddатсиз даврга Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимига сайланиши белгиланди. Бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Қудратилло Бабаев, Умидахон Имомова, Зафар Назаров ва Нодиржон Ражабов Ўз-



бекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимидан озод этилди.

Олий Мажлис Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлисида 23 та масала, шу жумладан, 8 та қонун кўриб чиқилди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати хабарлари асосида тайёрланди.

Матбуот бонг уради



Халқ сўзи
ЗАРБДОРДАГИ МУАММОЛАР
ҚАЧОН ЁЧИМ ТОПАДИ?

ХАШК
СИНГАН КЎЗГУ...

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ДАВЛАТ МАРД КЕЛСА,
ДЕҲҚОН ҲАМ КАМ КЕЛМАЙДИ

Ўзбекистон Миллий
ахборот агентлиги

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ЯНА ЎНЛАБ ТУЗИЛМАЛАР
ТАШКИЛ ЭТИЛСА-Ю, ОАВГА ЭЪТИБОР
ҚАРАТИЛМАСА, ҲЕЧ НИМА ЎЗГАРМАЙДИ!

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

ЖУРНАЛИСТИКАНИ АУДИТОРИЯДА
ЎРГАНИБ БЎЛМАЙДИ

Макулатурага айланаётган жавоҳирлар

41

ОЛТИННИНГ ТОШДАН ФАРҚИ

Хайруланинг ҳикояси: дастлаб эски китоблар билан савдо қилишга киришдим. Шу мақсадда макулатура қабул қилувчилар масканига бордим. Тахлам-тахлам китоблар. Орасида кимлардир йиллар давомида ахтариб тополмай юрганлари қанча. Сўнгги йилларда нашрдан чиққан ҳали варақлашга улгурилмаганлари ҳам бор. Ким, қайси бағритош бу ерга олиб келди уларни? Қадри йўқ жойда олтин ҳам оддий тош эканига ишонмайдиганлар макулатура қабул қиладиган шохобчаларга келса, бунга амин бўлишади.

КИМГА ОФТОБ, КИМГА ПУЛ

Биз ҳам чикит қозғаларни қабул қилувчи пунктга бордик. У ерда бир аёлни суҳбатга тутдик.

— Ҳозирги ёшлар телефон, интернетга қанчалик ўч бўлса, авваллари китобга шунчалик қизиқиш бор эди, — дейди Марям опа (ўзини шундай таништиради) йиғлағудек бўлиб. — Томтом китобларни йиққанлар бор. Айни пайтда баъзилари моддий тарафдан эҳтиёж сезиб, сотишга мажбур бўлишяпти. Баъзилар эса... Улар «олтин»нинг қадрини билмайди. Оладиган одамга келса... Бу ёғи оғриқли ҳол. Чилонзорда китоб дўконим бўлиб, кўпчилик турли адабиётларни сўраб келар, қизиқувчилар бисёр эди. Баъзилар уйдаги китобларни олиб келиб топширарди. Тақдир экан, кимлардир буни кўп кўрди. Дўконни икки йил бу-



рун олиб қўйишди. Китобларимни савдо учун маҳалла, таниш билишларга тарқатиб юбордим. Севган ишингдан ажрасанг, алам қиларкан. Касал бўлиб қолдим. Энди-энди ўзимга келялман. Кўпчилик ҳалиям китобларимни олинг, макулатурага топширгим келмаяпти, деб кўнғироқ қилишади. Олсам, кимга қандай сотаман? Қаерга қўяман? Бу китоблар қанчадан-қанча мактаблар, олий таълим муассасалари кутубхонасини бойитиши мумкин-а! Буни кимлардир ўйлармикин? Ҳеч ким олмаса, оқибатда улар бориб-бориб макулатура қабул қиладиганларга мурожаат қилишини ўйлаб, ёмон бўлиб кетаман...

«ТИЛЛО» ТОПГАН ТАДБИРКОР

Макулатурага топширилаётган китобларнинг тақдири нима бўлиши барчага маълум. Баъзи фидойилар сотиб олиб, элга улашаётгани денгиздан

томчи, холос. Кўпгина нодир китоблар қайта нашр этилмаган. Нашр этилганлари ҳам қиммат. Ўзбек ва жаҳон адабиётининг баъзи дурдоналарининг нархи 40-50 минг сўмдан кам эмас. Бу баъзи ота-оналарга оғирлик қилиши ҳам бор гап. Лекин кимлардадир сақланиб қолгани макулатурага кетишдан қутилиб, Хайруллага ўхшаган китоб сотувчи қўлига тушган бўлса, уларни 7-8, борсин 10-15 минг сўмга топшиш мумкин. Қанча маблағ тежалади? Эгасини макулатурага кетадиган машина ва тарози сарфидан ҳам сақлаб қолади. Энг муҳими, китобнинг уволи тутишидан асрайди. Кимларгадир билим улашади.

— Бир кишига куёнлар тўғрисида китоб сотдим, — куюниб сўзлайди Хайрулла. — У менга афсус билан шундай деди: «Укам, шу китобни бир ҳафта олдин топганимда эди...». Кейин билсам, у 600 минг сўмга 3 бош сотдор куён сотиб олган экан. Қандай боқишни бил-

май уларни ерда боқибди ва барчаси ўлиб қолибди. Аслида, уларни баланд ва кенг қафасларда боқиш керак экан.

Яқинда қуш бозорига қушлар ҳақида қўлимга тушган учта китобни олиб бордим. Талашиб олиб қўйишди. Яна топиб келишимни илтимос қилиб қолишди. Бунга нима сабаб? Қушлар ҳақидаги китоблар йўқлигида, албатта. Топилгани ҳам рус тилида.

Яна бир мисол: бир тадбиркор мармелад ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун керакли адабиётни ҳатто Москвадан ҳам тополмабди. Янгибод бозо-

ридаги «ёймада» шундай китоби кўриб қолиб, тилло топгандек бўлибди. Уни макулатурага кетишдан асраб қолган сотувчига қайта-қайта раҳмат айтиб, олиб кетибди...

МЕНДА ТАКЛИФ БОР!

Ҳўш, ечим нимада? Қандай қилиб, ноёб китобларни макулатурадан сақлаб, эгасига етказиш мумкин?

Таклиф. Шундай бир ташкилот тузилиб, ҳудудларда филиаллари ташкил этилса, одамлар уйдаги ортиқча китобларни уларга олиб бориб топширишса, бу ташкилот уларни ҳақиқий эгаларига етказиб берса...

Тўғри, бу китобларнинг кўпчилиги давр нуқтаи назаридан ҳам, сифат нуқтаи назаридан ҳам эскирган бўлиши мумкин... Шу сабаб бу ерда мутахассислар ўқишли, ноёб, замон ва макон танламайдиган китобларни саралашса...

Қишлоқларда баъзи мактаблар бор, кутубхонаси ночор. Бу асарлар ҳеч бўлмаганда шундай мактабларга топширилса, ўқувчилар кўзига суртиб ўқийдими?

Бундан ташқари интернет нашри орқали ушбу ташкилот кенг оммага мавжуд китоблар ҳақида маълумот бериб борса...

Тузилажак ташкилот олтинга тенг бу асарларнинг керагини олиб, боғларда китоб байрамлари ўтказса, шунингдек, махсус машиналарда одамлар гавжум жойлар, ишхоналар, бозорлар, қишлоқларга олиб бориб сотса, қўлма-қўл бўлиб кетиши аниқ.

Шаҳримизда аҳолидан китобларни килолаб олиб, доналаб сотадиган

дўконлар ҳам бор. Баъзиларида жой торлигидан қалашиб ётган китоблар орасидан излаганингни топиш учун қанча вақт кетади...

Ёки шундай китоб бозори ташкил этилса, расталарда китоблар тартиби билан териб қўйилса, излаган одам истатган асарини ҳеч қийналмасдан топса, қандай яхши. Чекка қишлоқларда эса бозорларнинг бир бурчидида шундай қилинса...

Хайрулланинг айтмоқчи бўлганлари шу эди...

Бу таклифларга мутасаддилар нима дейишар экан? Қолаверса, кенг жамоатчилик бор. Улар ҳам фикр билдирар... Бу бизнинг назаримизда эътиборга молик масала...



Салим АБДУРАХМОНОВ,
«Ishonch»



Ҳидоят сари

Муборак рамазон ойининг рўзаси Ислоннинг беш шартидан биридир. Қўрьони Каримда «Сизларга ҳам саноқли кунларда рўза тутиш фарз қилинди», «Сизлардан ким бу ойда ҳозир бўлса, рўза тутсин» каби хитоблар билан рўзанинг фарзлиги собит бўлган.

Хадиси қудсийлардан бирида «Рўза мен учундир ва унинг мукофоти мен бераман», дейилади ва рўзанинг хос ибодат ҳамда улуғ савобга эга эканлигига ишора қилинади.

Диннинг устуни намоз бўлса, жамиятники — закот, руҳники эса рўзadır. Рўза руҳ шифосидир.

Ҳар бир илоҳий амрда ўзига хос ҳикмат бор. Рўзанинг барча хусусияти ва ҳикмати ёлғиз Аллоҳга аён. Бир нарсаниқки, Рамазон — раҳмат ва мағфират оёи, ойларнинг султони ва энг улуғидир. Рўза танга ҳам, руҳга ҳам файз бағишлайди, уни қайта тирилтиради. Моддий ва маънавий зарарлардан муҳофаза этади.

Бошқа ойлارга нисбатан бу ойда Аллоҳга яқинлашиш, улуғ ажр-у мукофотларга сазовор бўлиш имкониятлари кўпроқ. Қадр кечасининг минг ойдан афзаллиги, бу кечада қилинган ибодатнинг ажри минг ойлик қилинган ибодатнинг савобидан ортиқлигини бир тасаввур қилиб кўринг! Бу ойда ихлос, самимият ила тавба қилсак, гуноҳларимиз кечирилади, дуолар қилсак, ижобат бўлади, инша Аллоҳ! Ҳатто фаришталар ҳам бу ойда Аллоҳнинг махсус фармонини бажариш учун ерга тушадилар...

Қўрьони Карим шу ойда нозил бўлди.

Аллоҳнинг Расули Ислон динига даъватни шу ойдан бошлади. Шу ойдан бошлаб Ислон дини зафарга, куч-қувватга, нурга тўлаверди... Шунинг учун ҳам рамазон оёи ва рамазон рўзаси бутун уммат тарафидан буюк бир муҳаббат ва айрича ҳурмат билан эъзозланади.

Бу ойда ер юзининг турли тарафдаги му-сулмонлар муштарак туйғу ва муштарак қарашлар билан бирлашадилар... Бир хил вақтда очикадилар, чанқайдилар, жамоат бўлиб тартибли, эътиқодли ҳолатда Аллоҳга таслим бўладилар, муҳаббат намунасини кўрсатадилар. Яхшилик, хайр-у ҳасанот барчага баробар очилади. Аллоҳнинг афв ва мағфират ҳазина-сидан ҳар бир мўмин ўз улуш ва насибасини олишга ҳаракат қилади. Мўмин-мусулмонлар рўза давомида руҳларини сабр-қаноат, машаққат ва қийинчиликларда тоблайдилар, Аллоҳ берган неъматларнинг қадрига етиш ҳақида ўйлаб бошлайдилар...

Шубҳасиз, рўза ислоннинг бошқа аҳкомлари ва ибодатлари каби жамият ҳаёти ва тар-раққиётга ижобий таъсир кўрсатади. Хатми Қўрьон, тарових ва ифторликлар инсонларни янада жипслаштиради, уларда меҳр-оқибат, дин-у дённат туйғуларини жунбушга келти-ради.

Аллоҳ таоло барчаларимизни бу муборак, қутлуғ ойда оҳилик билан қилган ибодат-ларимизни қабул айласин. Юртимиз доимо тинч, осмонимиз мудом мусаффо, ризқимиз бут бўлсин!



Сайфиддин САЙФУЛЛОХ,
филология фанлари
номзоди

Ҳикмат

**Ҳар не истаб Ҳайи
Мутлақдин топиб,
Ҳақ тилаб, Ҳақдин тилаб,
Ҳақдин топиб.**

Алишер НАВОЙЙ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги «Қишлоқ аҳолиси ва фуқароларнинг айрим тоифалари учун арзон уй-жойлар қуришни кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4028-сонли қарори ижроси юзасидан қишлоқ жойларда аҳолининг кенг қатламларини замонавий ва шинам уй-жой билан таъминлаш мақсадида:

«ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ ИНВЕСТ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2019 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши учун пудрат ташкилотларини танлаш юзасидан тендер савдоларини эълон қилади
№ 2019-04 ретендер

Тендер савдолари эълон қилинган сана: 2019 йил 7 май
Тендер таклифларини тақдим этиш учун охириг мuddат: эълон чоп этилган санадан 15 кундан сўнг

Қишлоқ жойларда қуриладиган янгиланган намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар типлари.

1-тип: Тўрт қаватли кўп кварти-
рали (2, 3 хонали) уйлар;
2-тип: 0,02 га. ўлчамли ер учас-
каларида жойлаштириладиган бир
қаватли 3 хонали уйлар.

1. Тендер иштирокчилари қуй-
ида санаб ўтиладиган ҳар бир тен-
дер пакетлари учун муҳрланган тан-
лов таклифларини киритишлари
мумкин.

2. «Қишлоқ қурилиш инвест»
МЧЖ ИК («Буюртмачи») ҳуқуқий
ваколатга эга бўлган тендер ишти-
рокчиларининг қуйида келтирил-
ган шартномалар бўйича янгилан-
ган намунавий лойиҳалар асосида
уй-жойлар қурилишини амалга
ошириш учун («Қурилиш ишлари») му-
ҳрланган танлов таклифларини
киритишларини таклиф қилади.

3. Тендер савдолари Ўзбекис-
тон Республикаси Вазирлар Маҳка-
масининг 2017 йил 26 апрел-

даги 243-сонли қарори билан
тасдиқланган Низомга мувофиқ ўт-
казилади.

4. Тендер иштирокчилари қў-
шимча маълумот олиш ва тендер
ҳужжатлари билан танишиш учун
Қурилишда танлов савдолари ва
нарихларни шакллантириш ҳудудий
консалтинг марказларига қуйида
кўрсатилган манзиллар бўйича му-
рожаат қилишлари мумкин:

Тошкент виллояти
Манзил: Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 18 уй.
Телефон: (0 371) 241-15-37
Факс: (0 371) 241-15-26

5. Тендер ҳужжатларининг нус-
хасини олиш учун тендер иштиро-
кчилари қуйидаги тартибда юқо-
рида кўрсатилган манзил бўйича
муружаат қилишлари мумкин:

«_____» виллояти, _____ ту-
мани, _____ массивидаги,
_____ лот _____ та якка тартибдаги

уй-жойлар қурилишни амалга оши-
риш учун тендер ҳужжатларини бе-
ришингизни сўрайман» шаклида
юқоридаги манзилларга ёзма ёки
электрон шаклда муружаат қилиш
лозим.

Тендер ҳужжатларини эълон бе-
рилган кундан бошлаб барча ишти-
рокчилар олишлари мумкин.

Кейинчалик қайтариб берил-
майдиган пул тўлови тендер таш-
килотчиларининг _____ Қурилишда
танлов савдолари ва нарихларни
шакллантириш ҳудудий консал-
тинг марказларининг тегишли бў-
лимлари банк ҳисобрақамларига
ўтказилиши лозим. Бир тўплам
танлов ҳужжатлари учун тўлов
кейинчалик қайтариб берилмай-
диган ЭКИҲга тенг.

Банк ҳисобрақами реквизит-
лари қуйида келтирилган:

Тошкент виллояти
Банк: «Азия Альянс банк»
Олмазор филиали,

ИНН: 300 017 720, МФО: 01102
х/р: 2021 0000 5045 4602 7001

Тендер ҳужжатлари қуйидаги
тартибда тақдим этилиши лозим:

— Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳу-
дудий консалтинг марказларига;
— Таклифларни тақдим этишининг
сўнгги мuddатига;
— Шартномалар рўйхатида кўр-
сатиб ўтилган вақтга;

— Тендер ҳужжатларида кўрсатил-
ган тартибда декларация тақдим этиш.

Тендер таклифларининг очи-
лиши таклифлар тақдим этишининг
охириг кунда тендер савдола-
рида қатнашиш истагини билдир-
ган барча ташкилотлар иштиро-
кида қуйида келтирилган манзилда
ўтказилади:

Тошкент виллояти ҳокимияти
Манзил: Нурафшон шаҳри,
Тошкент йўли кўчаси, 90 уй.
Телефон: (+0 371) 232-80-47
Факс: (+0 371) 232-80-42

Қўшимча маълумотлар учун «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИКнинг ҳудудий филиалларига муружаат қилиш мумкин.
Тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган ташкилотлар, қурилиш ташкилотлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:

Бир донга уй (хонадон) учун талаб этилади:					
Уй типлари	Талаб этиладиган йиллик ўртача айланма маблағ (сўм)	Қурилиш малакаси ўхшаш ҳажм ва характердаги шартнома (сўм)	Сўнгги бир йил давомида бажарилган ер ишлари ҳажми м³	Сўнгги 3 йилда бажарилган бетон ишлари м³	Сўнгги 3 йилда қуриб битирилган уйлар майdonи м²
0,02 га. ўлчамли ер участкаларида жойлаштириладиган бир қаватли 3 хонали уйлар	150 000 000	120 000 000	30	50	120
Тўрт қаватли кўп квартиралар (2, 3 хонали) уйлар	2 400 000 000	1 920 000 000	360	600	1440

ШАРТНОМА (ЛОТ)ЛАР РЎЙХАТИ

Лот №	Худуд	Қишлоқ аҳоли пункти номи	Хонадон сони	Тўрт қаватли 2-3 хонали уйлар			Бир қаватли 3 хонали уйлар (0,02 га.)		Таклифларни топширишнинг охириг мuddати
				сони	хонадон	уй рақами	сони	уй рақами	
Тошкент вилояти			24	1	24				
468	Паркент	Қорақалпоқ	24	1	24	2		2019 йил 22 май 11:00	

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти (ҳозирги ТДПУ) томонидан 1994 йилда Хожиева Замирахон Қўчқаровна номига берилган 044367
рақамли (рўйхатдан ўтган қайд рақами 2293) диплом йўқлигига сабабли бекор қилинади

Эркин ВОҲИДОВ
Ўзбекистон Қаҳрамони

ЎЗБЕГИМ

Қасида

1

Тоғларинг тегранда гўё
Бўғма аждар бўлди-ю,
Икки дарё – икки чашминг,
Чашми гирён, ўзбегим.

Қайсару Рум найзасидан
Бағрида доғ узра доғ,
Чингиз-у Боту тигига
Кўкси қалқон, ўзбегим.

Ёғди тўрт ёндин асрлар
Бошинга тийри камон,
Умри қурбон, мулки торож,
Юрти вайрон, ўзбегим.

Давр зулмига ва лекин
Бир умр бош эгмадин,
Сен – Муқанна, сарбадор – сен,
Эркесвар қон, ўзбегим.

Сен на зардушт, сен на буддий,
Сенга на оташ, санам,
Одамийлик дини бирла
Тоза имон, ўзбегим.

Маърифатнинг шўғласига
Талпиниб зулмат аро,
Кўзларингда оқди тунлар
Кавкабистон, ўзбегим.

Тузди-ю Мирзо Улуғбек
Кўрагини жадвалин,
Сирли осмон тоқига илк –
Кўйди нарвон, ўзбегим.

Мир Алишер наърасига
Акс-садо берди жаҳон,
Шеърят мулкида бўлди
Шоҳ-у султон, ўзбегим.

Илм-у шеърда шоҳу султон,
Лек тақдирга қул,
Ўз элида чекди ғурбат,
Зор-у нолон, ўзбегим.

Мирзо Бобур – сен, фиғонинг
Солди олам узра ўт,
Шоҳ Машраб қон сенда
Урди тугён, ўзбегим.

Шеърятнинг гулшанида
Сўлди маҳзун Нодира,
Сийм тани ювди кўз ёш,
Кўмди армон, ўзбегим.

Йиғлади фуқаратда Фуқат
Ҳам муқимликда Муқимий,
Нолишиндан Ҳинд-у Афғон
Қилди афғон, ўзбегим.

Тарихинг битмакка, халқим,
Мингта Фирдавсий керак,
Чунки бир бор чеккан оҳинг
Мингта достон, ўзбегим.

Ортда қолди кўҳна тарих,
Ортда қолди дард, ситам,
Кетди ваҳминг, битди заҳминг,
Топди дармон, ўзбегим.

Бўлди осмонинг чароғон
Толе хуришиди билан,
Бўлди асрий тийра шоминг
Шуғла афшон, ўзбегим.

Мен Ватанни боғ деб айтсам,
Сенсан унда битта гул,
Мен Ватанни кўз деб айтсам,
Битта мужгон, ўзбегим.

Фахр этарман, она халқим,
Кўкрагимни тоғ қилиб,
Кўкрагида тоғ кўтарган
Танти деҳқон, ўзбегим.

Ўзбегим деб кенг жаҳонга
Не учун мадҳ этмайин!
Ўзлугим билмоққа даврим
Берди имкон, ўзбегим.

Мен буюк юрт ўғлидурман,
Мен башар фарзандиман,
Лек аввал сенга бўлсам
Содиқ ўғлон, ўзбегим.

Менга Пушкин бир жаҳон-у
Менга Байрон бир жаҳон,
Лек Навоийдек бобом бор,
Кўкси осмон, ўзбегим.

Қайга бормай бошда дўппим,
Ғоз юрарман, гердайиб,
Олам узра номи кетган
Ўзбекистон, ўзбегим.

Бу қасидам сенга, халқим,
Оқ сут-у туз хурмати,
Эркин ўғлингман, қабул эт,
Ўзбегим, жон ўзбегим.

Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, улар болалигидан юрагига катта мақсадларни тугиб улғаяди. Шу мақсадлар йўлида келажак сари залворли қадамлар ташлайди. Уларнинг бу қадамлари бежиз кетмайди, жамиятда ўз акс-садосини беради. Бўри Алламуродов ҳам ана шундай эзгу интилишлар билан яшаган, ўзининг чақмоқдек умри давомида ёшлар ташкилотидаги оддий йўриқчиликдан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг раиси лавозимигача бўлган катта ҳаёт ва фаолият йўлини босиб ўтишга улгурган оташқалб инсонлардан бири эди.

Оташқалб инсон умри

Бойсун қирларида туғилган Бўри Алламуродовнинг болалиги Сурхон – Шеробод чўлларида ўтди. У чўл бағрида ҳаёт яратиш, ризқ ундириш учун кўчиб келган одамларнинг тортаётган машаққатларини кўриб тўқинларди. Шунда унинг ёш юраги бу одамларга ёрдам бериш истаги билан ёнди. Ҳали мактабнинг 8-синфида ўқиётган йигит синфдош дўстларини тўплаб, ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадасини тузди. Улар 1962 йилда ҳозирги Музработ туманидаги «Янгиобод» хўжалиги худудига 20 гектар ерга маккажўхори, кейинги йилларда пахта экиб, юқори кўрсаткичларга эришди. Бу ёшларнинг донғи республиканинг ўша пайтдаги раҳбари Шароф Рашидовнинг қулоғига етиб боради. Республика раҳбари Сурхондарё вилоятига сафари чоғида Бўри Алламуродов ва у бошлиқ бригада аъзолари билан ҳам шахсан учрашиб, дилдан суҳбатлашади, уларни янада ушанг донларга руҳлантиради. Ўша даврларда бу ёшларнинг ташаббуси бутун мамлакатга намуна сифатида эътироф этилган эди. 11-

синф ўқувчиси Бўри Алламуродов Ўзбекистон Олий Кенгаши Президиумининг фахрий ёрлиғи билан мукофотланади.

– Бўри Алламуродовнинг мамлакат биринчи раҳбарининг назарига тушиши бежиз эмас эди, – дейди Сурхондарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Абдукарим Аҳмедов. – «Бўлар бола бошидан» дейди халқимиз. Бўри ёшлигидан ғайратли, билимдон, истараси иссиқ йигит эди. У мактабда ҳам аъло баҳоларга ўқиди. Республика фан олимпиадалари ғолиби бўлди. 1964 йили мактабни олтин медаль билан тугатиб, Тошкент кишлоқ хўжалиги институти ҳамда Бутунитифоқ кишлоқ хўжалиги академиясида шу соҳа бўйича таҳсил олди. Кейинчалик Сурхондарё вилояти ёшлар ташкилоти биринчи котиби, Республика ёшлари ташкилоти марказий қўмитаси масъул ходими, бўлим mudiri, биринчи котиби лавозимларида фаолият юритди. Кейинчалик Сурхондарё вилояти кишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи, Сирдарё вилояти партия қўмитаси иккинчи

котиби, 1987-90 йилларда Наманган вилояти партия қўмитасининг биринчи котиби, 1990-93 йилларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси лавозимларида самарали меҳнат қилди. У қаерда, қандай масъулиятли лавозимларда ишласин, ўзига топширилган вазифаларни ҳалоллик билан бажариб, халқнинг ҳурмат – иззатига сазовор бўлди.

Замон ўз юкига елка тутолган, давр талабларига «лаббай» деб жавоб беролган жасоратли инсонлардан ўз қаҳрамонларини яратади. Бўри Алламуродов ҳам тезкор давр талаблари билан ҳамнафас яшай олган инсон эди. У меҳнатдан, қийинчиликлардан чўчимайди. Ёниқ юрак билан яшади.

У киши мустақил Ўзбекистон Касаба уюшмаларига раҳбарлик қилган йиллари тизим ривожига катта ҳисса қўшди. Бўри Алламуродов мамлакатимиз Касаба уюшмаларининг жаҳон миқёсида ўрни бўлишини орзу қиларди. Вақти келган экан, у кишининг орзуси амалга ошди. Яқинда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Касаба уюш-

Хотира уйғонса, гўзалдир...



Норқура ЭРҒАШЕВ

Мулоҳаза

Бир пиёла чой қадр

маҳалла чойхонасига назар

қараб турди-да, нари кетди. Бироз кутдим, чойдан дарак йўқ. Уни чақирдим. Ярим соатдан сўнг мен ўтирган ерга бошқа меҳмонлар келишини, шунинг учун чой олиб келолмаслигини айтди. Аввалига эътибор бермабман, чойхонада ҳеч ким йўқ.

– Бу маҳалла чойхонасими? – деб сўрадим ундан.

– Амаки, бу ер хусусий чойхона-кафе.

Очиғи, ҳафсалам пир бўлди. Чойхонанинг хусусийлаштирилганига хафа бўлмадим. Аксинча, маънавият ўчоғи ҳисобланган чойхоналарнинг йўқ бўлиб кетаётганига ачиндим.

Адашмасам, ўтган асрнинг 85-йиллари эди. Пешин пайтида Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)дан, кўпинча, маҳаллаамиз марказида жойлашган чойхонага тушлик қилгани кирардик. Кунларнинг бирида чойхонага кирсак, маҳалладошлар жам бўлиб ўтиришбди. Тил ва адабиёт ўқитувчиси Тўхта Расулов тўпланганларга ёзувчи Ўткир Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси» романини ўқиб берапти. Ҳатто ҳар кун чойхонанинг бир бурчагига шахмат ўйнайдиганлар ҳам мусобақани йиғиштириб қўйиб, ота-буваларимиз уруш йилларида фронт ортида қандай меҳнат қилгани воқеаларини диққат билан тингламоқда.

Мутлола тутагач, муҳомака бошланиб кетди. Эсимда: «Икки эшик ораси» романини ўша йиллари китоб дўконларидан топа олмай, маҳалладош-

ларимиз нашриётга китобни қайта нашр этишларини сўраб хат ёзишганди.

Шу ўринда яна бир гапни эслатиб ўтгим келди. Катта ёшдаги фуқароларимиз яхши билади. Ўша вақтдаги маҳалла чойхонасига кирган йўловчига чойхоначи пешвоз чиқар, меҳмондан сўраб-тегиб ўтирмай, олдига бир чойнак чой, иккита юмшоқ нон ва албатта, ликопчада оқ қанд қўйиб кетарди. Қизиги, меҳмоннинг пули бўлмаган тақдирда ҳам чойхоначи ундан нон ва қанд учун пул талаб қилмас эди. Бу оддий ўзбекнинг меҳмондўстлигига бир мисол.

Ҳозирда қайси қаҳвахонага ёки чойхона-кафега кирсангиз, ҳеч ким сизга бекорга бир пиёла чой ҳам бермайди.

Хулоса қилсак, имкон бўлса, ҳар бир маҳаллада унинг аҳли учун хизмат қилувчи ҳақиқий чойхоналар барпо қилинса, нур устига нур бўларди. Маҳалладошлар бу масканда «Ўтган кунлар», «Дунёнинг ишлари», «Кеча ва кундуз» романларида ўхшаган нодир асарларни, жаҳон адабиёти дурдоналарини мутлола қилиб, маънавий озуқа олишса, шахмат-шашка турнирлари уюштирилса, маҳалланинг келгуси режаларини белешладиган суҳбатлар қуришса, қандай яхши.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ



Саломатлик бекати

НИМАЛАР ЕЙИШ МУМКИН?

Парҳеда овқатланиш мунтазам ва маълум вақтга ривож қилинган ҳолда бўлиши лозим. Кўпроқ сабзавотлар (картошка, маккажўхори ва дуккакилардан ташқари), сўт-қатиқ маҳсулотлари, тухум, балиқ, гўшт ва улардан тайёрланган барча таомлар фойдали.

Кўпчилик қандли диабетда ёғ камроқ еиш керак, деб ҳисоблайди. Аслида эса ёғ энергия захирасини таъминлайди, гармон ва витаминлар ҳосил бўлишида иштирок этади. Овқатланишда ўсимлик мейларини қўллаш афзал. Чунки улар таркибида холестерин бўлмайди.

КАЛОРИЯ ҚАНДАЙ ҲИСОБЛанади?

Калория ҳар бир киши учун шахсий кўрсаткичга эга бўлади. Уни аниқлаш учун кишининг бўй узунлигидан

Қандли диабет. Бу хасталик эшитган қулоқни чўчитади, шифокорларни сергаклантиради. «Ширин» душманимиз ортиқча вазн билан юқори қон босимини жуда хуш кўради. Шу иккинчи бор ерда яйраб-яшнади. «Қанди» борлар бемор эмас, балки алоҳида ҳаёт тарзига эга бўлган кишилардир. Чунки тўри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзига амал қилиш билан хасталикни бир неча ўн йиллар давомида асоратсиз ўтказиш мумкин. Қандли диабетни эрта аниқлаш, олдини олиш, даволаш ва назорат қилиш жуда муҳим. Зотан, хасталикнинг асоратлари жуда аччиқ. У кўрлик, сурункали бўйрак етишмовчилиги каби кўрқинчли хасталикларни етаклаб келар экан. Шу боис, парҳезни қаттиқ ушлаш шарт.

«Ширин»нинг аччиқ асорати

ёхуд қандли диабетда инсон ўзини нималардан асраши лозим?

(сантиметрларда) 100 айирлади (170-100=70). Олинган натижа «идеал» тана вазни бўлиб, у 30 га кўпайтилади. Натижа – 2100 ккал. Бу бир кунлик овқат рақсонининг калорияси ҳисобланади. Аёлларда ўртача 2000-2500, эркекларда эса 2500-3000 ккалорияни ташкил этади. Калория бемор ҳолатига кўра, кўпайтирилиши ё камайтирилиши мумкин.

«ШИРИН»ГА ШАКАР МУМКИНМИ?

Таом таркибидаги углеводлар организмда парчаланиб, содда шакларга айланади. Улар қондаги қанд миқдорини тез оширади. Ёғли, совуқ, ёрмали овқатлар углеводлар сўрилишини секинлаштиради.

Қондаги қанд миқдорининг кескин ўзгариши соғлиқни ёмонлаштириши мумкин. Шу боис, шифокорлар биринчи нафбатда «тез-тез ва кам-камдан овқатланиш»ни тавсия қилади. Бунда инсулин билан қондаги қанд миқдори бир-бирига муносиб бўлади. Биламики, диабетда одам тез чанқайди. Бунга беэтибор бўлмаслик, чанқоқни хаминаш қондирш керак. Аммо истаган ичимлик билан эмас. Бунда кўк чой, минерал сув (фақат табиий манбалардан), томат шарбати, ёғсиз сўт-қатиқ маҳсулотлари, янги ва қуритилган мевалардан шакарсиз ёки нимтатир компотлар ичган маъқул. Қаҳва ва қора чойни чеклаш керак.

Ушбу хасталик аниқлаш, киши ўзини ёғли гўшт-

лар, қовурилган овқатлар, қуйилтирилган сут, аччиқ зираворлар, ширин мева ва мева қўқилари, дуккакилар, маккажўхори ва картошка, спиртли ичимликлар, шакар ва барча турдаги ширинликлардан асраши керак. Кўриб турганингиздек, «тақийқ»лар жуда кўп эмас. Асосийси – меърини унутмаслик.

Диабетда жигарга алоҳида эътибор қаратиш керак. У бир сафар шақари кўп, бошқа сафар эса шақари кам

кальций) манбаи бўлиб, бўшаштирувчи хусусиятга эга. Диабетиклар баклажонни қайнатиб ёки димлаб, лимон суви ва ўсимлик ёғи аралаштирган ҳолда еганлари маъқул. Қовурилган баклажон эса ёғни шимиб олгани учун ҳазми оғир ва калорияси баланд бўлади. Димланган пивёз, сабзи, буғғор қалампир (оз миқдорда) қўшиб, баклажон икриси тайёрлаш ҳам мумкин.

Сабзи. Унинг пиширилгани қондаги қанд миқдорини оширади. Шунинг учун хомлигича ва чекланган миқдорда ейиш тавсия этилади.

Қизил лавлаги. Бу сабзавот ҳам сабзи каби таъсирга эга. Ичак ўсма касаликлари профилактикасида ҳам жуда яхши ёрдам беради.

Қўзиқорин, қўнат, бодиринг, помидор, лимон, буғғор қалампир, пивёз ва саримсоқ пивёз «ширин»ларнинг сеvimли маҳсулотлари саналади. Чунки улар қондаги қанд миқдорига деярли таъсир кўрсатмайди.

Шундай қилиб, диабетиклар шифокор назоратида бўлиш, дориларни мунтазам ичиш билан бирга таомланиш ҳам жиддий эътибор қаратишлари лозим. Улар учун таомнинг энг фойдали – буғда тайёрланган эканини унутмаслик керак.

Акида СОДИҚОВА,

Республика иттисолаштирилган илмий-амалий эндокринология маркази илмий ходими

МУАССИС:



2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:

Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Хўқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Корхона манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

Тахририят хисобҳақими:

2021 0000 0004 3052 7001.

АТМБ «Ispoteka bank» Яшиновбод филиали,
Банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКДЗ: 58130

САБЗАВОТЛАР ҚАНДАЙ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИНАДИ?

Карам. Янги карам ва ним тузланган карам истеъмол қилиш фойдали. Ним тузланган карам суви қанд миқдорини камайтириш хусусиятига эга. Бундан ташқари, хом (салат) ва ўз сувида димлаб, истеъмол қилиш мумкин.

Бақлажон. Бу сабзавот – минерал тузлар (калий ва

Хўдудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон – (+998-99) 889-90-23
Бухоро – (+998-99) 889-90-31
Жиззах – (+998-99) 889-90-25
Наманган – (+998-99) 889-98-02
Навоий – (+998-99) 889-90-28
Самарқанд – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё – (+998-99) 889-90-32
Фарғона – (+998-99) 889-90-24
Хоразм – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтани назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

Х. Норбоев
Мусаҳҳиқ:
С. Шодиева
Саҳифаловчи:
Х. Абдужалилов
ЎЗА яқини – 02:20
Топширилди – 02:50
Газета офсет усулида,
А-2 форматда босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ,
Буюртма Г – 517.
30112 нускада босилди.
Нашр қўрсаткичи: 133